



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
18 апрель
ЧОРШАНБА

№ 32
(11.939)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Р.Ш.Чагаевни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга кириштириб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шухратини бутун дунёга тараннум этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс

мактаби аъналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Руслан Шамилович Чагаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2007 йил 17 апрель.

Ифтихор

КУРРАИ ЗАМИНДА САРБАЛАНД БАЙРОҚ

Ўша фарахбахш оқшомда жаҳон бокс осмонида чакноқ юлдуз порлади. Фақатгина спорт ихлосмандлари эмас, юрт шаъни, обрўсини ор-номусидай эъозлайдиган миллионлаб юртдошларимиз ўта оғир вазн тоифасида профессионал боксининг энг нуфузли — WBA йўналиши бўйича рингга чиқиб, жаҳон чемпионлиги камарини

қўлга киритган ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг оламшумул ғалабасини чексиз мамнуният ва ифтихор билан кутиб олдилар. Тун яримлаб қолган бўлишига қарамай, орзиқиб кутилган учрашувни ўтказиб юборишга ҳеч кимнинг кўзи қиймади, ҳатто энг уйқучиларни ҳам ғалабага бўлган ишонч ва иштиёқ ухлагани қўймади...

Дарҳақиқат, бир неча кундирки, юртимизнинг ҳар гушасида байрам, одамларимиз юз-кўзларида гурур бахш этган қувонч, мамнуният ифодаси. Тенглар ичра тенг бўлиб, қадди-бастини ростлаётган юртимиз шухрати, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаглигини бот-бот кўрсатиб қўйиш учун бизга бундай зафарлар жўради, биринчиси, Руслан каби чинакам эл ўғлонлар, мард ва жасур спортчиларимизнинг шавкатли оқимлари Ватанимиз довуруғини бутун сайёрамиз узра ёймоқда.

Гап айланган яна ўша шиддатли учрашувга бориб тақалади. Жаҳон олдидан жаҳон спорт жамоатчилиги, мутахассислар ҳар иккала чарм қўлқоп устасининг маҳорати имкониятидан келиб чиқиб, турфа тахмин у баҳоратларни ўртага ташладилар. Хорижий айрим ҳовлиқмароқ ҳаммасбларимиз Русланинг азму шижоати ва маҳорати билан тузукроқ ҳисоблашмай, нуқул «тенг тенги билан» қабилдаги курак гумон ва тусомлга асосланган қарашларини зўр бериб ваҳ-харсон қилишдан ҳайқимадилар. Тўғри, россиялик номдор чарм қўлқоп устаси, профессионал боксда 46 та жаҳн ўтказиб, хали бирор марта мағлубият аламини тоғта кўрмаган Николай Валуев бизнинг Русландан вазн жиҳатида 41 килограмм оғир, 28 сантиметр фарқи билан бўйдор, соддакор айтганда, бир қалла баланд эканлиги айни ҳақиқат эди. Бироқ холва деган билан оғиз чуммаганида, ғалаба учун асосий гап бунда эмасакан-да...

Руслан эришган тарихий му-

вафақиятнинг аниқ-равшан, пишшиқ-пухта омиллари борки, ўша кунги шиддатли жаҳн моҳиятига ана шулардан келиб чиқиб баҳо берасан тўғри бўларди, назаримда. Ҳеч шубҳасиз, бу ғалаба мамлакатимизда мустақилликдан кейин ташланган энг дадил қадамлардан бири — соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлоднинг воғая етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланиши, спортнинг оммавий ҳаракатга айлантирилиши, бу борада ёшлар учун энг замонавий, қулай шарт-шароитларнинг яратиб берилгани билан боғлиқ. Биргина вилоятимиз мисолида олиб қараганимизда ҳам, бу хайрли мақсад ва вазифалар қўлам ва қамрови нақадар кенг экани, унинг самараси ўлароқ марказ ва шаҳарларимиздан тортиб, энг чекка қишлоқларимиздан ҳам кураги ерга тегмаган спортчилар етишиб чиқаётганига амин бўламиз. Бугун вилоятимизда камол топган Рустам Саидов, Юлия Борзова, Дилшод Мансуров, Дониёр Абдуллаев, Саида Искандарова, Элмурод Тожибоев, Севара ва Зарина Ғаниевалар каби Жаҳон, Осиё ва Олимпиада уйинлари чемпион ва совриндорларини ким билмайди, дейсиз?


Яна бир муҳим, ҳал қилувчи жиҳат спортчиларимизда она-Ватани, эл-юртига садоқат, муҳаббат ва бурждорлик ҳиссининг кучайиб бораётганидир. Бинобарин, ҳар қандай инсон учун, у ким ёки қайси соҳа вакили бўлишдан қатъи назор, халқ меҳри, ишончи ва олқишидан юксак саодат бўлмаса керак. Аналуҳус, Руслан Чагаев олис Штутгарддаги энг баланд рингда,

минглаб дўсту душман ва бегона нигоҳлар қаршида, бағоят нуфузли ном учун, боз устига жумлаи жаҳоннинг энг бўйдор ва девкелбат бокс қироли билан тап тортмай кураш олиб боргани, иродаси, қатъияти синмай олға босгани ва пировард натижада шохсупани эгаллагани замирида ҳам ана шу садоқат ва бурждорлик масъулияти борлиги аниқ. Негакки, ҳамюртимиз зафар қўнган дастлабки сониядаёқ ҳамма уни қўраб қўлаётганида, ҳаяжон ва қувончнинг суруридан ўзини йўқотмай, камерага қарата: «Ўзбекистонимиз севаман!» деган фахриёна ҳайқирғи ҳам гоят самимий янгради.

Ҳеч шубҳа йўқки, Русланинг тарихий зафари курраи заминга ўзбек боксининг қудратини, бу замин фарзандлари нималарга қодир эканлигини янада аққорроқ исботлади. Таъбир жоиз бўлса, муштимиз зарбини бутун жаҳон кўриб қўйди, тан олди. Президентимиз Ислам Каримовнинг ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга йўлаган табрик хатига таъкидланганидек, бутун Ўзбекистон ахли ўзининг мард ва баҳодир ўғлонининг спорт оламида кўрсатган бекис жасоратини байрам қилмоқда.

Чемпион! Сен бу ғалаба билан қалбимиздаги гурур ва ифтихор туйғуларини янада шўх урдирдинг. Жаҳоннинг энг нуфузли майдонда юртимиз мадҳиясини янградинг, дадил хил-пиратга оғна юрт байроғини дунё ахли боши узра сарбаланд қилдинг.

Офарин, Руслан!
Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ШОДЛИК ШАЛОЛАСИ

Қувонч қўнғироғи тутди самони,
Зарби-ла забт этди Руслан дунёни.
Шодлик кўз ёшлари шалола бўлиб,
Шукрига шарафлар элим худони.

Ҳар ким асролмағай кўнғил гулини,
Олам олқишлайди ўзбек элини.
Алпомиш руҳи ёр бўлди Русланга,
«Дев»лар ҳам кўтарди икки қўлини.

Тўрт сатр шеър битмоқ бу бурчим, ҳаққим,
Бир-биринг қутлагани, эъзозла, халқим.
Эл ичра Русланлар омон бўлсалар,
Ётларга бермайди ўзбек ўз ҳақин.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Юроричирчиқ туманида маҳаллий вакиллик идоралари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан «Фридрих Эберт» жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган бу тадбирда Олий Мажлис, вилоят ва туман кенгашларининг депутатлари, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари ва гуруҳлари аъзолари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишди. Катнашчилар давлат бош-

қарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатини модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қўлайлаштириш, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари ва халқ депутатлари кенгашлари доимий комиссияларининг фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари теваарида фикрлашиб олишди. Давра суҳбати жонли



мулоқот ва мунозара тарзида ўтди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

СУРАТДА:
тадбирдан лавҳа.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА МАТБУОТ

Қеча пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан уюштирилган «Мамлакат ижтимоий ҳаётини ёритишда оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий конференция бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари-

нинг маънавий-маърифий масалалар бўйича ёрдамчилари, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, бир қатор газета ва журналлар, теле-радио тахририятлари бош муҳаррирлари иштирок этдилар. Таъкидлаш жоизки, мазкур фонднинг мақсади юртимиз оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлан-

тириш, хусусан, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар малакасини оширишга қўллаб-қувватлаш иборат. Айтайлик, ҳозир юртимизда даврий нашрларнинг 44 таси фонд грантларини қўлга киритишга муваффақ бўлган. Анжуманда тахририятлардан яна 20 тасига шундай грантлар сертификатлари топширилди. Улар орасида вилоятимизда қол етибқолган «Чирчик», «Анрен ҳақиқати» ва «Паркент тоғи» газеталари ҳам бор.

Мамлакатнинг барча ҳудудларини кенг қамраб олиш мақсадида видеоко-

миз. — Бироқ ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг бугунги аҳоли икки томонини ҳам қониқтирмайди. Шу боис Миср раҳбарияти билан мулоқотларда ўшбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, бу йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига тўла мос келади.

Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий соҳалар билан бир қаторда ижтимоий соҳаларда ҳам алоқалар йўлга қўйилган. Давр мазкур соҳалардаги ҳамкорлиқни ҳам янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни талаб қилмоқда.

Музокаралар якунлари бўйича ўзаро ҳамкорликка доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Президентимизнинг ушбу ташрифи Ўзбекистон билан Миср ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва янги босқичга қўтаришга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзи муҳитини янада мустаҳкамлаш, уларнинг спорт билан муносабатини янада мустаҳкамлаш, спорт мусобақалари орқали ёшларнинг иродаси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини, мардлик ва ватанпарварлик, она юртга садоқат туйғуларини камол топтириш, мусобақалар муносабати билан ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар самарасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Миллий Олимпиада қўмитасининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган якуний босқичини 2007 йил июнь ойининг учинчи ўн кунлигида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Ташкилотлари фаолият

миллий банки ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти спорт мажмуаларида ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини Тошкент шаҳрида ўтказиш дастури (1-илова) ва ташкилий қўмита таркиби (2-илова) тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита: 10 кун муддатда «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ўтказиш учун тегишли сарф-харажатлар сметасини ишлаб чиқиб, унинг молиявий мабзаларини белгилашда мазкур мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджетини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қопланишини назарда тутсин;

«Универсиада — 2007» спорт мусобақалари харажатларининг бир қисми Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғар-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2007 йил 17 апрель кунин республика ҳукуматининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида 2007 йилнинг биринчи чорағида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилга мўлжалланган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари атрофида муҳокама қилинди. Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш. Мирзиёев олиб борди.

Мажлисида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 февралда ҳукумат мажлисидаги маърузасида белгиланган 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши, шу жумладан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технология жиҳатдан янгилаш, солиқ сёсатини янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадвал ривожлантириш ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш ва одамлар фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни барча чоралар билан қўлайлаштириш бўйича вазифаларнинг амалга оширилиши иқтисодиётда ижобий тар-

кибий ўзгаришларни ҳамда макроиқтисодий ва тармоқлар ривожланишида юқори кўрсаткичларга эришилишини таъминлади.

Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорағида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,1 фоизни ташкил қилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳамжлари 12,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 5,5 фоизга, қурилиш — 12,8 фоизга, чакана товар айланмаси — 16,5 фоизга ва пулли хизматлар кўрсатиш — 25 фоизга кўпайди. Давлат бюджетининг ижроси 1,7 фоиз микдоридида профитид билан таъминланди, инфляция даражаси 2,9 фоизни ташкил қилди ва прогноздаги параметрлардан ошмади. Ташки савдо айланмаси барқарор равишда юқори суръатлар билан ўсмоқда, экспорт кўрсаткичлари 21,1 фоизга кўпайди. Ташки савдо ижобий сальдоси қарийб

600 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоизга кўпайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 47 фоизга, корхоналарнинг ўз маблаглари ҳисобига инвестициялар 16 фоизга ўсди.

Биринчи чорак мобайнида 43 та йирик инфратузилма ва ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, шу жумладан 7 та тўқимачилик корхонаси, турли хил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватлари, Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон янги темир йўлининг Тошгузар-Дехқонobod участкаси ва шу қабилар ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Тўқимачилик ва тараққиёт жамғармаси маблаглари ҳисобига биргаликда молиялаштирилган полиметалл рудаларини қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, газ қонларидида қўшимча сиқувчи компрессор станцияларни ўрнатиш каби йирик лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича иккита корхонада Киото протоколининг Соф ривожлантириш механизмининг

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎзбекистон олий таълим
муассасалари талабаларининг
«Универсиада — 2007»
спорт мусобақаларини
ташқи этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

маси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишига рухсат берилсин; корхона ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ўтказишга ҳомийлик қилиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин; «Универсиада — 2007» спорт мусобақалари учун қуриладиган ва реконструкция қилинадиган спорт иншоотларидаги қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш мақсадида пудратчи ташкилотларнинг аниқ иш ҳажмлари ва уларни бажариш муддатларини белгилансин;

Барча тадбирлар, жумладан, мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотларининг халқаро талаблар даражасида тайёрланиши ва замонавий спорт анжумани билан жиҳозланиши ҳамда тадбирлар ўтадиган жойларни ободонлаштириш ишларини жорий йилнинг 15 июнига қадар тугатишни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари юксак савиёда ўтишини ташкил этсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлигига: спортчи талабаларни мусобақалар ўтказиладиган масканга ва яшаш жойларига олиб борадиган йўналишларни белгилаб, шу йўналишлар бўйича таъмирлаш-ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

«Тошхашартрансхизмат» уюшмаси билан биргаликда спортчи талабаларни белгиланган манзилларга етказиш учун техник қўриқдан ўтган транспорт воситаларини жалб этиш; шаҳар қўчаларини «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини тарғиб қилишга қаратилган кўргазмалар воситалар

билан безатиш;

Тошкент темир йўл вокзалида спортчи талабаларни тантанали кутиб олиш ва кузатишни ташкил этиш вазифалари топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мусобақалар иштирокчиларини тиббий қўриқдан ўтказиш, мусобақалар даврида тез тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва оқватланиш жойларида санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилишини алоҳида назоратга олсин.

7. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмасига мувофиқ, мусобақалар иштирокчилари йўл харажатлари учун имтиёзлик тўлов тарифларини қўллашни назарда тутсин.

8. Республика «Ватанпарвар» ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш ҳамда Ички ишлар вазирликлари билан биргаликда «Кўёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида универсиада маънавияти ёқиш ва уни Тошкент шаҳрига етказиш билан боғлиқ барча ташкилий-хавфсизлик тадбирларини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, тегишли ваколатли ташкилотлар билан биргаликда, «Универсиада — 2007» мусобақалари даврида тадбирлар ўтадиган жойларда жамоат ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Универсиада — 2007» мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 16 апрель.

ЯНА БИР ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ

Бекобод саноат касб-хунар коллежи янги ўқув марказига эга бўлди. Тошкент давлат техника университети энергетика факультети хизмати билан ташкил этилган бу марказ олий ўқув юрти кафедрасининг шохобчаси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

У изланувчан педагоглар учун тадқиқот маркази вазифасини ўтаётди. Факультет профессор-ўқитувчилари коллежда бўлиб, янги шохобча истиқболи хусусида дара суьбати ўтказилди. Ўқув адабиётларини тайёрлаш борасида ҳам кафедра коллеж педагогик жамоаси билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

Акбар АЛИЕВ.

«УВАК»ДА АНДИЖОН
ПАТИРЛАРИ

«Ангренмироб» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси жойлашган ҳудудда янги новвойхона фаолият бошлади.

Водийлик тандир усталари томонидан қурилган бу новвойхонада оби-нон, тандир кабоб ва сомсадан ташқари андижонча ёғли патирлар ҳам тайёрланади.

— Новвойлик ҳам санъат, — дейди новвой Сирожидин Маткаримов. — Унинг сир-синоатини чуқур англаб етиш учун Андижон шаҳридаги уста новвойлар ишини уч ой давомида ўргандим. Иш фаолиятимда бугун уларнинг тажрибаси қўл келмоқда.

Феруза ХУДОЙБЕРДИЕВА.

КОЛЛЕЖДАГИ
МИНИ ЦЕХ

Қибрай қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида нон-булка ҳамда макaron маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик цех очилди.

Бундай технологик жараённи йўлга қўйиш учун бир ярим миллиард сўм маблағ ажратилди. Эндиликда нон-булка ва макaron маҳсулотлари тайёрлаш технологиясини ўрганишга доир машғулотлар ҳам жорий этилди.

фойдаланган ҳолда республикада биринчи лойиҳа амалга оширила бошланди. Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш давом эттирилди, 329 та қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжаликлари) қайта ташкил этилди ва улар негизда 25,2 мингта фермер хўжалиги ташкил қилинди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг ушбу секторига махсулот ишлаб чиқаришни ўстиришнинг юқори суръатларини ҳамда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 33,2 фоизга оширишни таъминлади.

Хизматлар кўрсатиш соҳаси ва сервисни, чорвачиликни, касаначиликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларнинг амалга оширилиши биринчи чоракда қарийб 150 минг янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлади. 2006 йилнинг I чора-гидига нисбатан замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар, молия ва транспорт хизматлари кўрсатиш борасида сифат жиҳатидан таркибий ўзгаришлар қайд этилмоқ-

да. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 43,5 фоизга кўпайди. «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури доирасида 13,8 мингта кам таъминланган ва кўп болали оила 5,5 миллиард сўмликдан зиёд қорамолни текин олишди, 3,4 мингта кам таъминланган оилга Иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига 2,9 миллиард сўм микрокредитлар ажратилди, ноғиронлар учун қарийб 1500 та иш ўрни, шу жумладан касаначиликни ташкил этиш йўли билан 1160 та иш ўрни ташкил этилди, ҳомийлар маблағи ҳисобига 26 минг нафар ёлғиз кишига ва 121 мингта кам таъминланган оилга моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳал этилмаган муаммоларга танқидий баҳо берилди, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгиланган 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари сўзсиз бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Марказий банк раиси Ф. Муллажоновнинг, Давлат солиқ қўмитаси раиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

■ Чинозлик деҳқонлар ҳар йили баҳорги экиш ишлари авж паллага кирган бир вақтда, муҳим, кечиктириб бўлмайдиган тадбир — чигит экишга бор ғайрат ва имкониятларини сафарбар этиб, мавсумни тез фурсатда яқунлаб олишни одат қилганлар.

Тумандаги «Прогресс» фермер хўжалиги аъзолари ҳам пахтачиликда ил-ғорлардан хисобланади. Хўжалик деҳқонлари пахтадан ҳар йили 35 центнердан ошириб ҳосил етиштирмоқдалар. Бунинг асосий омилли экиш агротехникаси қоидаларига катта эътибор билан қаралаётганлигидир.

Бу мавсум ҳам 50 гек-

УЧ КУН
КИФОЯ ҚИЛДИ

тар майдонга яхши ният билан чигит қадалди.

— Экишда ўзимиздаги мавжуд техникалар билан бир қаторда «Трактор сервис» муқобил машина-трактор паркидаги агрегатлардан ҳам фойдаланилди, — дейди фермер Олим Назаркулов. — Чигитни беҳато, текис ундириб олиб, дастлабки ишловни меъёрида олиб борсак, марра бизники.



Дарҳақиқат, ҳозир бироз нуқулай бўлган об-хаво шароитидан унумли фойдаланаётган омиқдор деҳқонлар, галвир сувдан кўтарилган пайт юқори ҳосилдорликка эришган заминдорлар қаторидан жой олишлари шубҳасиз.

Мўмин ИБОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

СУРАТЛАРДА:

фермер Олим Назаркулов невараси билан; чигит экиш пайтида.
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида
АХБОРОТ

Б. Парпиевнинг, бир қанча хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг хисоботларида пул параметрлари ва оқимларига риоя қилиш, тўловлар, шу жумладан бюджетта ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқларида дебиторлик-кредиторлик қарзларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги танқидий таҳлил қилинди.

Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдида тўланмай қолган қарзларнинг, шунингдек муддатли ўтган дебиторлик-кредиторлик қарзларнинг вуқудга келишига йўл қўйган «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго», «Ўзкимсанот» давлат-акциядорлик компаниялари, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўқиш-лоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси фаолияти танқид қилинди.

Мажлисда чигит экиш масуми қандай ўтказилаётганлиги ва 2007 йил ҳосили учун қўламли дала ишларини муваффақиятли тугаллаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар комплексини таъминлаш масалалари, шунингдек мева-сабзавот ва чор-

вачилик маҳсулотларини қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, қишлоқда бозор инфратузилмасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилиши муҳокама қилинди. Ўшбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. Исмоиловнинг, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А. Камолловнинг, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм, Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятлари ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг хисоботлари эшитилди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, аграр сектор хўжалик бирлашмалари ва аграр сектор тармоқларига хизмат кўрсатувчи идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига барча зарур агротехника ишларини сифатли ўтказиш учун қўшимча чора-тадбирлар комплексини кечиктирмай амалга ошириш вазифаси юкланди.

Уй-жой-коммунал соҳани ислох қилиш ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этилишининг танқидий таҳлил қилиниши

ҳукумат мажлисида кўриб чиқилган муҳим масалалардан бири бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. Хановнинг, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаевнинг, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари Н. Тўраев ва Н. Ҳамдамовнинг, «Ўқомунхизмат» агентлиги бош директори Ў. Холмухамедовнинг хисоботлари эшитилди.

Мажлисда қайд этилганидек, уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатиш тармоғи давлат томонидан салмоқли қўллаб-қувватланаётганлигига қарамай, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини ичмамлаштириш жараёни тугалланмаган, кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг сифат даражаси пастлигича қолмоқда, жумладан Тошкент шаҳрида, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида маънавий эскирган ва тежамсиз бўғ қозони агрегатларини алмаштириш ишлари етарли суръатларда амалга оширилмапти. Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида уй-жой фондини ичимлик сув сарфини ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ишларини кучайтириш талаб этилади.

Иқтисодиёт вазири Б. Ҳўжаев, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Р. Ғуломов, «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раиси Қ. Рустамов, нефть-газ, кимё ва тўқимачилик тармоқлари раҳбарларининг хисоботлари ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва янги қувватларни ишга тушириш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши, ушбу мақсадлар учун инвестициялар ва молиявий ресурслар жалб этилишининг танқидий таҳлиliga бағишланди.

Тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари олдида 2007 йилги Инвестиция дастурида назарда тутилган объекتلари, энг аввало, ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришни таъминловчи саноат йўналишидаги объектларни сўзсиз ва ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Республика ҳукумати мажлисида кун тартибиданги масалаларни муҳокама этиш ақунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А.

УЮШМАНИНГ
НАВБАТДАГИ АНЖУМАНИ

■ Пойтахтимизда ЕАРАЗА – Европа-Осиё ҳайвонот боғлари ва аквариумлари ҳудудий уюшмасининг навбатдаги йиллик анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмағида ўтказилган тадбирда Россия, Чехия, Украина, Беларусь, Қозғистон каби ўндан ортқ мамлакатнинг эколог, зоолог, биолог олимлари иштирок этди.

Анжуманда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда табиатни асраб-авайлаш, минтақадаги экологик барқарорлик ва мувозанатни сақлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги ноёб турларни муҳофазадаш, йўқолиб кетиш хавфи бўлган жонзотларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш, табиатдаги биохилма-хилликни таъминлашда Тошкент ҳайвонот боғининг ҳам муносиб хиссаси бор. Истиқлол йилларида ушбу боғ биология, зоология, ботаника ҳамда генетика соҳасида муҳим маълумот ва аниқликларни ўзида жамлаган, йирик илмий тадқиқотлар олиб боришда етакчи илмий-маърифий масканга айланди.

Боғ ҳудуди сезиларли даражада кенгайиб, ободонлаштирилди. Унда сақланаётган нодир жонзотлар ва ўсимликлар турлари сони бир неча баробар ортди.

Ушбу масканда ташкил этилган аквариум бўлимида икки юзга яқин турдаги денгиз ўсимлиги ва жонзотлари парваришланади. Жонзотларни сақлаш учун яратилган табиий шароит уларни иқлимлаштириш, кўпайтириш, турли касалликлардан асраш имконини беради. Боғда дунёнинг саксондан зиёд музейи, зоологик боғлари, қўриқхоналари билан илмий ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Йирик анжуманининг пойтахтимизда ўтказилиши ҳам Тошкент ҳайвонот боғининг фаолиятига халқаро миқёсда берилган юксак баҳодир.

Анжуманда ҳайвонот боғларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналиши ва таъминоти, ноёб жонзотларни айирбошлаш, уларни парваришладиган асосий талаб ва ёндашуларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Назозат УСМОНОВА,
Ў.А. муҳбири.

«Шунқорлар – 2007»

■ Вилоятимизда ўқувчи-ёшларни Қуролли Қучлар сафларида хизмат қилишга ва ҳарбий билим юртларига киришга тайёрлаш, шунингдек, уларни спорт мусобақаларига оммавий жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

КИМ ЭПЧИЛУ
КИМ ЧАҚҚОН?

Жумладан, жойларда ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимида анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Кеча Қибрай тумани Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ана шу тадбирнинг вилоят финал босқичи бўлди. Ёш армиячилар бўлинмада ва гуруҳдаги тайёргарликлари, ҳарбий-амалий турлар, умумий сиёсий, фуқаро ҳимояси, тиббий-са-

нитария, жисмоний тайёргарлик даражалари бўйича маҳорат ва кўникмаларини намойиш этишди.

Яқуний натижаларга кўра, барча шартларни эпчиллик билан бажарган Охангарон шаҳар маийш хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи жамоаси ғолибликни қўлга киритди ва ушбу жамоа мусобақанинг республика босқичига йўлланма олди.



Мусобақа сўнггида ғолиб ва бошқа иштироки жамоаларга ташкилотчи ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар топширилди.


«Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят финал босқичини ўтказишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, мудо-фаа ишлари, халқ таълими, ўрта-махсус касб-хунар таълими бошқармалари, каса-

ба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмаси кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотларнинг вилоят бўлимлари фаол қатнашди.

Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

СУРАТЛАРДА:

вилоят финал босқичидан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва
Тошкент вилоят Адлия бошқармасининг
«Ишонч телефони»га ҳар қандай ҳуқуқий
тушунтириш ва қонунбузилиш ҳолати юзасидан
қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Сизга малакали мутахассислар томонидан
ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Мурожаат учун телефонлар:

Адлия вазирлигининг «Ишонч телефон»лари:
008, 136-05-09, 133-10-14.

Адлия бошқармасининг «Ишонч телефон»лари:
363-51-04, 362-30-02, 363-51-06, 362-82-61, 363-50-98.



Элимизнинг энг катта бойлиги наботот оламининг бетакрорлиги ва ҳавонинг софлигидир

Саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофиза қилиш кўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА тайёрлашди.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

Олий табақа

МАҒЛУБИЯТ КЕТИДАН МАҒЛУБИЯТ



Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг навбатдаги 5-турида «Металлург» «Андижон» жамоасини қабул қилди. Андижонликлар янги бош мураббий Эдгар Гесс бошчилигида бу йилги чемпионат учрашувларини муваффақиятли ўтказмоқдалар. Улар дастлабки 4 учрашувнинг 3 тасида галаба қозониб, пешқадамлар сафидан ўрин олганлар.

Уйиннинг биринчи бўлимида майдонда тенг кураш давом этиб, жамоалар таънафусга 0:0 ҳисобида чиқиб кетдилар.

Иккинчи бўлимда меҳмонлар ҳужумга янада зўр бериб, майдон эгалари дарвозасини 4 маротаба ишғол этдилар. «Металлург»нинг таркибига янги қўшилган Отабек Пирматов ҳакам қўшиб берган (2 дақиқа) вақтдаги рақиб дарвозасига тўп киритди. «Металлург» ўз майдонидан навбатдаги йирик мағлубиятга (1:4) учради. Беш турдан сўнг биронта ҳам очко тўплай олмади, жадвалнинг сўнгги поғоналарини

олий табаканинг янги вакили «Вобкент» жамоаси билан бўлашиб турибди.

Бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» — «Курувчи» — 0:1, «Қизилқум» — «Тўпаланг» — 3:0, «Трактор» — «Насаф» — 3:1, «Навбахор» — «Бухоро» — 2:1, «Самарқанд-Д» — «Пахтакор» — 0:1, «Вобкент» — «Шўртан» — 0:4, «Локомотив» — «Нефтчи» — 1:4.

Навбатдаги тур ўйинлари 20, 21, 22 апрелда белгиланган. «Металлург» Фарғонада «Нефтчи»га қарши баҳс юритади.

Талъат ЮСУПОВ.

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бокс бўйича ўтказилган «Қирол кубог» анъанавий халқаро бокс турнирида дунёнинг 32 мамлакатидан икки юз нафарга яқин чарм қўлқоп устаси ўн икки вазн тоифасида голиблик учун рингга чиқди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари унда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Элшод Расулов, Шерзод Абдурахмонов, Жасурбек Матчонов ва Рустам Саидов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Халқаро турнирда тўртта олтин, унча қумуш ва иккита бронза, жами тўққизта медалини қўлга киритган юрдошларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

КУЧЛИ УЧЛИКДА

Пойтахтимизда шахмат бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионати биринчи табақасининг иккинчи босқич беллашувларида ўн икки нафар шахматчи совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

Еттинчи тур якунларига кўра, пойтахтлик шахматчи Александр Касьян 5,5 очко билан биринчи ўринга кўтарилди. Шунингдек, бештадан очко жамғарган Тошкент вилояти вакили Иброҳим Каримов ва сирдарёлик Беғали Саидов ҳам кучли учликка кирди.

Чемпионатда 4,5 очкога эга бўлган наманганлик Вильдан Ғуломов ҳамда 4 очко тўплаган самарқандлик Хуршид Мустафоев совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.Ватанни сеВ,
тупроғини ўн...

БИР ДАСТА РАЙҲОН

Саври холининг ҳовлиси баҳор келса яшнаб кетади. Ўтган-кетган қия очик ёғоч дарвозадан мўралаб, орас-талиқ, гўзаллик, самимийлик дунёсидан завқланади. Айниқса, эрта тонгдан бўй таратиб, димоғни чоғ қиладиган райҳонларга холининг меҳри ўзгача.

Тўғри, райҳоннинг ўзига хос инжиқликлари ҳам бор: янги экилган пайти алоҳида эътибор берилмаса ё қуриб қолади, ё беор, бе-рахм кушлар нозик барглари чўкиб, қуруқ чўп қилиб қўяди. Тупроқ ҳам майин, меҳр билан юмшатилиб, майдаланган, ўғитланган бўлиши керак. Акс ҳолда, пояси кингир-қийшиқ, барглари ҳам сарғимтир тусга кириб, салгина бежо эсган шабадага узилиб, оёқ остида қолиб кетади. Ҳаддан ортқ сувни ҳам ёқтирмайди, рангини йўқотади. Лекин кера-гича парваришланган райҳон бошқа гулларга нисбатан жозибали, чидамли, кеч қузгача, қор ёққунча яшнаб, хушхаво яратади, таомга ҳам хушбўйлик, вужудга мўътадиллик бахш этади. Уни бозорда ошқўқларга қўшиб сотишди, гул бозоридан кўринмайди. Аслида хусндор гулларга нисбатан чидамли, садоқатли. Шунинг учун Саври хола уни кишин-ёзин қадрлаб, эъозлайди.

Бир кун кизи узок юртларга сафарга борадиган бўлиб қолди. Дўст-ёрлар иззат-икром, ширин калом, гўзал гулдастлар билан кузатиб қолди. Саври хола эса бир даста райҳон тутқазди.

— Қизим, қачонки туғилган уйингни, жигарларингни, юртингни соғинсанг, райҳонга боқ, уни тўйиб-хон...

тўйиб ҳидла, соғинч ҳумори тарқаб, дилинг равшан тортади, — деди.

Юлдуз онаизорининг кўксига бош қўйиб, хайрлашди. Қучоғиди анвойи гуллар каби очилиб-сочилиб поезда қўтарилган Юлдузнинг юраги олис йўллар кўксига тўкилиб-тўкилиб кетаётгандек бўлди. Манзилга етгунча, тўрт-беш кун ўтди, ҳар тонг сувини янгилаб турса ҳам, гўзал гулларнинг ранги кетиб, қовжираб қолаверди. Уларни вагон ойнасидан йўл-йўлакка ташлаб юборишга мажбур бўлди. Чунки, сўлиб, қовжираб қолган гулларнинг нохуш иси ҳамроҳларини безовта қила бошлаган эди. Аммо райҳон сув қадри сагин хушбўй ис таратиб, яшнаб турар, ташлагани кўз қиймас эди. Уни сафар давомида қўлдан қўймай олиб юришди. «Худди ҳовлимизда ўсиб тургандек, қадрдон юртимизда юргандекмиз. Бунча иси ёқимли бўлмаса» дейишди дугоналар ҳузурланди.

Орадан бир оз вақт ўтиб хизмат сафари ҳам нихоясига етди. Саври хола кизи келганини қадам ташлашдан қўқиб, истикболга қаради. Остонада Юлдуз турарди, қўлларидан онаизор тутқазган бир даста райҳон...

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Вожаб!

ҚАРИНДОШДАН
ОЛИНГАН ҚАРЗ

Агар беш йил бурун Нурмат акага биров бугун олдиға ёрдам сўраб келган соддагина, бунинг устига ўзининг узок қариндоши бўлган ва аёлининг яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш лозимлигини нотўғри тушунишни айтганида, у бундай кишини тўхматчиға чиқариши турган гап эди. Лекин сизу бизни ҳар қадамда минг марта синиб қўришга одатланган ҳаёт бу гал ҳам яна бир марта ажаблантирди...

... 2002 йилнинг март ойида йўқлаб келган Хоним Сариеванинг дардини ўзи ҳам бундай ташвишларни кўп марта бошидан кечирган Нурмат Кемелов дарҳол тушуни. Тадбиркорлик фаолиятини юртида маблагдан қўли калталик қилиб, ёрдам сўраб келган бу аёлга 1 миллион 300 минг сўмини тўтказди. Икки томоннинг розилигига кўра, ҳар ойда қарз олинган сумманинг 10 фоизи микдоридида қўшимча маблаг тўланиши ҳақида шартнома ҳам тузилди.

Нега Х. Сариева кредит маблаг сўраб ўзи яшаб турган Бўстонлик тумани марказидаги банк бўлимларидан бирига эмас, айнан Н. Кемеловга мурожаат қилди? Бу саволнинг жавоби аниқ: биринчидан, у зудлик билан нақд пул топиши зарур эди. Банклар кредит беришдан аввал бизнес-режа, қарфолат хати ва бошқа ҳужжатлар тўдириши талаб қилади, бунга тадбиркордан вақт йўқ эди. Иккинчидан, Н. Кемелов сўраётган фойз банк фойзларидан кўра камроқ эди. Учинчи сабабини эса юқорида айтиб ўтдик: улар бир-бирларини янги билар, бир томони қариндош ҳам эдилар. Иши тез битган Хоним ҳадеганда фойз тугул, қарзининг ўзини ҳам қайта-равармади. «Иши чиқиб қолгандир. Зарур ҳаракатлардан орттиролмаётгандир» деб кутган Нурмат ақанг ҳам сабр қосади сал кам уш йил деганда тўлди. Унинг аризасини қўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди 2004 йилнинг 18 октябрыда Х. Сариевадан Н. Кемеловга 1300000 сўм асосий қарз, фойдаланганлиги

учун 298000 сўм микдоридида фойз ва 100 минг сўмлик маънавий зарарини ундириш ҳақида хал қилувчи қарор қабул қилди. Шундан кейин Нурмат Кемеловнинг ташвишлари арибди-да, деб ўйлаган бўлсангиз, аниқлаш-сиз. Чунки, суд қароридан сўнг ўтган бир йил мобайлида ҳам у ўз пулларини қайтариб ололмади. Суд ижрочилари давонинг ижросини таъминлаш учун Х. Сариеванинг «Мурғер» деб номиланувчи дўконини хатлаб, уни қимомиди савдосига қўйиш-са ҳам Озодбош қишлоғида жойлашган бу савдо биносини сотиб оладиган одам топилмади. Шундан сўнг улар Н. Кемеловга дўконини Х. Сариеванинг қарзлари эвазига натура шаклида олишни тақдир қилдилар. 2005 йилнинг 26 октябры кун дўкон ҳолислар иштирокчида унга ўтказиб берилди.

Х. Сариева суд ижрочиларининг бундай қарорга қелишларидан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига кассация шикоятни юборди. Суд 2006 йилнинг 17 март кунини кўриб чиқиб, туманлараро суднинг қарорини ўзгаришсиз қолдирганидан сўнг, дўкон туман ер ва мулк кадастри томонидан Н. Кемелов номига расмийлаштирилди. Иш якунига етди деб ўйлаган Н. Кемелов бу гал ҳам янгилиди. Биринчи суд идораси қарори ва уни тасдиқлаган фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди ажримни 2006 йилнинг 16 декабрь кунини Республика Олий суди томонидан бекор қилинди. Нима учун? Наҳотки, туманлараро ва вилоят суди ноҳақ қарорлар чиқаришган бўлса? Йўқ,

Олий суднинг ажримиди дўконини қарз эвазига ўтказиш фақат «Суд ҳужжатлари, бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тартиби ҳақида» қонун талабларидан четга чиқиб бажарилганлиги кўрсатилган, ҳолос.

Бу ҳолатни оддий тилга ўйрганда масала аслида моҳиятан тўғри хал қилинган, аммо уни бажариш тартиби бузилган деган хулоса келиб чиқади. Демак, бу ишни қонун белгиллаган тартибда қайтадан расмийлаштириш керак эди, ҳолос. Лекин Н. Кемелов ўзига қарз эвазига берилган дўконини сотиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришни борганда туман ер муносабатлари ва кадастр бўлимидагилар «Мурғер» дўконини аллақачон қайтадан Х. Сариевага ўтиб кетганлигини айтишди. Н. Кемелов ҳақиқат излаб вилоят кадастр бошқармасига борди. Булим мутасаддиларидан бири М. Саидов дўкон Х. Сариевага мулк сифатида ўтиб кетди, энди сизнинг бу дўконга ҳеч қандай ҳақингиз йўқ, маъносидида жавоб берди. Мутасаддилар Н. Кемеловнинг бундай қилиш қонуний эмаслиги тўғрисидаги эътирозларни, ўзининг ҳақлиги тўғрисидаги далилларини эшитишни ҳам исташмади.

Табиийки, Н. Кемеловнинг сарсонгарчилиги қўзғилиб кетди. Бу бахслар бошланганига беш йил бўлапти, лекин масалани узил-кесил нукта қўйишни ҳеч бир идора ўз зиммасига олишни истамаяпти. Халқ мақолида айтилганидек, ҳар қандай узун арқоннинг ҳам охири бор. Шунча қўзғилиб, ҳар икки томоннинг асабини бузиб келатган низоининг ҳам ечимни қанча тез топила, шунча яхши. Бунда қайси томонга ён бошини тавсия қилишдан йироқми-у, бироқ қарзни ҳам адолатли ҳисобланганлигини эълолати ўтмоқчимиз, ҳолос. Бу эса исбот, қарор ажрим талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Обиджон ИСМАНОВ.

Янгиёул шаҳридаги «Саломатлик» кичик корхонасининг думалоқ муҳри ва тўртбурчак штампини йўқолганлиги сабабли

БЕКОР
ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги Сайдалим-хондаев Азиз Абдорхондаевич номига 2006 йил 27 декабрда берилган 10-01869 (реестр рақами 1003493) рақамли Отлопар қўчаси, 38-ўй манзилида жойлашган дўконга тегишли патент гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«МИРОВ DIZAYN» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «ELIT-POKLINE» қўшма корхонаси жамоаси корхона бош директори Искандар Жўраевич Рашидовга волидаи муҳтарамаси

Нурия АЗИМОВанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

ДИҚҚАТ АУКЦИОН!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси "Respublika Mulk-Auksioni" давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда барча сармоядорларни, бошлангич баҳосининг ошиши тартибда ўтказиладиган очик АУКЦИОН савдоларига тақдир этилади.

АУКЦИОН савдолари Давлат мулки қўмитаси биноси биринчи каватининг чап қанотидаги савдолар залида ўтказилади. Ер майдонларининг савдоси 2007 йил 8 май кунини соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Ер майдонининг жойлашган манзили	Ер майдонининг сони	Бир ер майдонининг сатхи (кв.м.)	Бир ер майдонининг бошлангич нархи (сўмда)
Шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш ҳамда мерос қилиб қолдириш шарт билан умрбод эгалик қилиш мақсадида фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган ер майдонлари			
Куйичирчиқ тумани "Абай" ширкат хўжалиги			
Кушкеш қишлоғи ҳудудида жойлашган	8 та	600	34 800
Қўрғонча қишлоғи ҳудудида жойлашган	65 та	600	34 800
Ўлжа қишлоғи ҳудудида жойлашган	13 та	600	34 800
Куйичирчиқ тумани "Ўзбекистон 5 йиллиги" тажриба хўжалиги			
Тинчлик бўлими ҳудудида жойлашган	2 та	600	43 500
Пахтазор бўлими ҳудудида жойлашган	8 та	600	43 500
Олмазор бўлими ҳудудида жойлашган	7 та	600	43 500
Дўстлик бўлими ҳудудида жойлашган	22 та	600	43 500
Навоий бўлими ҳудудида жойлашган	19 та	600	43 500
"Юлдуз" ширкат хўжалиги Юлдуз қишлоғи ҳудудида жойлашган	7 та	600	34 800
"Хамза" ширкат хўжалиги, Истиклол қишлоғи ҳудудида жойлашган	4 та	600	26 100
"Хамза" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган	2 та	600	26 100
Куйичирчиқ тумани "Беруний" ширкат хўжалиги			
Иттифоқ қишлоғи ҳудудида жойлашган	8 та	600	34 800
Хўжалиқсан қишлоғи ҳудудида жойлашган	3 та	600	34 800
Нурбой ота қишлоғи ҳудудида жойлашган	2 та	600	34 800
Куйичирчиқ тумани "Янги ҳаёт" ширкат хўжалиги			
Чингиз қишлоғи ҳудудида жойлашган	11 та	600	34 800
Чингиз қишлоғи Марказий қўчаси ҳудудида жойлашган	12 та	600	34 800
"Гулистон" ширкат хўжалиги, Хўжаовул қишлоғи ҳудудида жойлашган	5 та	600	34 800
Куйичирчиқ тумани "Улғубек" ширкат хўжалиги			
Мингчинор қишлоғи ҳудудида жойлашган	24 та	600	43 500
Галаботир қишлоғи ҳудудида жойлашган	44 та	600	43 500
Куйичирчиқ тумани "Дўстлик" ширкат хўжалиги			
Кушкеш қишлоғи ҳудудида жойлашган	15 та	600	34 800
Кизана қишлоғи ҳудудида жойлашган	7 та	600	34 800
Куйичирчиқ тумани "Меҳнатобод" ширкат хўжалиги			
Жумагул қишлоғи ҳудудида жойлашган	30 та	600	34 800
Куйичирчиқ тумани "Пахтачи" ширкат хўжалиги			
Жамғирчи қишлоғи ҳудудида жойлашган	10 та	600	34 800
Жаловир қишлоғи ҳудудида жойлашган	5 та	600	34 800
Оҳангарон тумани			
Увак ҚФИ, Облиқ қишлоғи ҳудудида жойлашган	2 та	600	33 000
Увак ҚФИ, Облиқ қишлоғи ҳудудида жойлашган	2 та	400	22 000
Увак ҚФИ, Облиқ қишлоғида жойлашган	185 та	400	37 120
Увак ҚФИ, Облиқ қишлоғида жойлашган	189 та	600	55 680
Оҳангарон шаҳри			
Мустақиллик 2-кесишув кўчасида жойлашган	2 та	600	60 900
Бекобод тумани			
"Хос" ширкат хўжалигида жойлашган	33 та	400	31 320
Оққўрғон тумани			
Алимкент қўрғонидида жойлашган	1 та	600	64 000
А. Навоий номи ширкат хўжалиги, "Қўрғончи" қишлоғида жойлашган	2 та	600	64 000
"Қахрамон" ширкат хўжалиги "Қўнғирот" қишлоғи ҳудудида жойлашган	2 та	600	64 000
Оққўрғон шаҳри ҳудудида жойлашган	4 та	600	64 000
Паркент тумани			
"Бойқозон" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган	1	600	78 672

Ушбу АУКЦИОН савдоларида сотилмай қолган ер майдонларининг такрорий савдоси 2007 йил 15, 22 май кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

2007 йил 22 май кунини соат 15.00 да ўтказиладиган очик АУКЦИОН савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади.

1. Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли "Нотураржой" биноси, умумий майдони 70,96 кв.м.га. Объект жойлашган манзил: Чирчиқ шаҳри, Гагарин кўчаси 2-а уй.
Бошлангич баҳоси — 3 677 047,0 (уч миллион олти юз етмиш етти минг қирқ етти) сўм.
2. Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли "Нотураржой" биноси, умумий майдони 59,37 кв.м.га. Объект жойлашган манзил: Чирчиқ шаҳри, Нуроний кўчаси, 3-а уй.
Бошлангич баҳоси — 3 668 058,0 (уч миллион олти юз олтиш саккиз минг эллиқ саккиз) сўм.

Ушбу АУКЦИОН савдоларида сотилмай қолган объектларнинг такрорий савдоси 29 май ҳамда 5, 12, 19, 26 июнь кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

8 май кунини соат 15.00 да ўтказиладиган очик АУКЦИОН савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади	Давлат белгиси	Ишлаб чиқарилиш йили	Тури	Бошлангич баҳоси (сўм)
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уйда жойлашган				
"Самқочавто"	10 АК 341	1999	Юк	13 523, 4
Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 143-уйда жойлашган "Янгийўл" Агрофирма очик акциядорлик жамиятига қарашли				
КАЗ - 717 прицеп	-	1987	Тиркама	473 080, 0
КАЗ - 717 прицеп	-	1986	Тиркама	473 080, 0
КАЗ - 717 прицеп	-	1986	Тиркама	473 080, 0
ГАЗ-6611 фургон	11 АР 728	1992	Фургон	649 431, 0
Тошкент шаҳри, Темур Малик кўчаси, 2-уйда жойлашган Тошкент вилояти божхона бошқармасига қарашли				
УАЗ - 31512	10 АВ 496	1993	енгил седан	566 000, 0
Бўстонлик тумани, Хондойлик ҚФИда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қошидаги Ғазалкент соғломлаштириш марказига қарашли				
ГАЗ - 3307 (хаки ранг)	11 АЛ 115	1995	Енгил	4 500 000, 0

Ушбу АУКЦИОН савдоларида сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий савдоси 15, 22 май кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда берилган ишончнома тақдим қилишлари лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан 1 (бир) кун, ер майдонлари учун 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Савдо голиби томонидан мулкни сотилиш баҳосидан ташқари мулкнинг ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери олиш учун давлат бож, энг кам иш ҳақининг икки баробари микдоридида маҳаллий бюджетга тўланади.

Аукцион савдоларида иштирок этишни истаган юридик ва жисмоний шахслар объект бошлангич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи микдоридида "Савдо ташкилотчи"нинг ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

"Respub